Ватанни севмак имондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 17 август, пайшанба. №99 (21.862.) Сотувда эркин нархда.

МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

СУРАТДА: мажлис пайти. Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

1995 йил 16 август куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгашининг биринчи мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим муаммолари муҳокама қилинди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида миллий хавфсизлик кенгашини тузиш зарурлигини асослаб берган эди.

Кенгаш давлатнинг юқори мансабдор шахсларининг маслаҳат органи бўлиб, миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат сиёсати қоидаларини белгилаб бериши, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг комплекс дастурларини ишлаб чиқиши лозим.

Шунга мувофиқ, 1995 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик кенгаши тўғрисида»ги Фармони чиққан ва унда кенгаш таркиби ва Низоми тасдиқланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти — Кенгаш Раиси биринчи мажлисда сўзга чиқиб, Миллий хавфсизлик кенгашининг вазифаларини белгилаб берди.

Мажлисда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ва меҳнат ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш мақсадида:

1. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида:

иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 250 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 645 сўм;

фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 400 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряднинг энг оз миқдори — ойига 400 сўм миқдорида белгилансин.

2. 1995 йил 1 сентябридан:

бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,33 баравар;

мактаблар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, бошқа халқ таълими муассасалари ўқитувчиларининг, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбарларининг иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткаси бўйича разрядни ошириш ҳисобига ўртача 1,5 баравар кўпайтирилсин.

3. 1995 йил 1 сентябридан бошлаб ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари стипендияларининг миқдорлари ўрта ҳисобда 1,33 баравар оширилсин.

4. 1995 йил 1 сентябридан қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга нафақалар миқдори ойига 350 сўм;

болалигидан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 645 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 400 сўм.

5. Иш ҳақига устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу Фармонда кўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1995 йил 1 сентябридан бошлаб амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланадиган вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармон қоидаларига асосланиб пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг ва ходимлар мансаб окладларининг миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

7. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорини ошириш билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта фонди ҳисобидан қоплансин.

8. Бюджет ҳисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларга меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишга рухсат берилсин.

Бюджет муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига мазкур фонд маблағлари ҳисобидан ходимларнинг иш ҳақига шахсий устама ҳақларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Ана шу фондни ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар 1995 йилда меҳнат ҳақи фондини тежаш ҳисобидан, 1996 йилдан бошлаб эса республика бюджети ҳисобидан қоплансин.

Молия вазирлиги бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фонди тўғрисида Низомни тасдиқласин ҳамда уни аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланилиши устидан таъсирчан назоратни амалга оширсин.

9. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида оширсинлар ва бунда мазкур Фармон билан белгиланган энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминласинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 7 февралдаги 1080-сон Фармони (4-банди бундан мустасно) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилишни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1995 йил 16 август.

«ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАНИНГ БЮДЖЕТ МУАССАСАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИДА ИШ ҲАҚИ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистон ҳукумати республика аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини доимо диққат марказида тутиб келмоқдалар. Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармони ҳам бунинг далили бўлиб, уни рўёбга чиқаришга фақат шу йилнинг охиригача республика бюджетидан 6 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади, бир йилга ҳисоблаганда эса 18 миллиард сўмни ташкил қилади.

Бу эса хизматлари эвазига ҳақли равишда дам олаётган фуқароларнинг барча турдаги пенсияларини, шунингдек, республика олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ўрта ҳисобда 1,33 баравар кўпайтириш имконини беради. Меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори 1,5 баравар оширилади ва 645 сўмни, стипендиялар миқдори эса 565 сўмни ташкил қилади. Шу мақсадлар учун бюджетдан 2,3 миллиард сўм маблағ сарфланади.

Бола 2 ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш учун оналарга бериладиган нафақалар 1,4 баравар оширилади, болалигидан ногиронлар учун нафақалар эса 1,6 баравар кўпайтирилади ва ойига 645 сўмни ташкил қилади. Бунинг учун йил охиригача бюджетдан 500 миллион сўм маблағ ажратиш талаб этилади.

1 сентябрдан бошлаб энг оз иш ҳақи миқдори 1,7 баравар ошириладн ва у 250 сўмни ташкил этади. Фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади ойига 400 сўм миқдорида белгиланаяпти. Бюджет муассасалари ва ташкилотларда иш ҳақи 1,33 баравар кўпайиб, ўрта ҳисобда 910 сўмни ташкил қилади, бу эса йил охиригача 3 миллиард сўмдан кўпроқ қўшимча маблағ ажратилишини тақозо этади.

Шу билан бир қаторда Фармонда бюджет муассасаларига ходимларни моддий рағбатлантириш мақсадида меҳнат ҳақи фондининг 15 фоизи миқдорида махсус фонд ташкил қилишга рухсат берилади.

Республикада халқ таълими ва олий таълим тизими ходимларига ҳамиша катта эътибор бериб келинди. Фармонда мактаб ўқитувчиларининг, олий ўқув юртлари, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақини 1,5 баравар ёки ўрта ҳисобда 400 сўм кўпайтириш кўзда тутилган.

Мазкур Фармонда назарда тутилаётган чора-тадбирлар фақат бюджет маблағлари ҳисобидангина Ўзбекистон аҳолисидан салкам 4,5 миллион кишининг моддий аҳволини яхшилаш имконини беради.

Бундан ташқари, республиканинг хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларига иш ҳақини ўзларининг даромад манбалари ҳисобидан меҳнат ҳақи фонди доирасида ошириш ва бунда мазкур Фармонга мувофиқ энг оз иш ҳақи кўпайтирилишини таъминлаш тавсия этилган.

МЕҲНАТКАШЛАР БИЛАН УЧРАШГАНИ

Республикамиз катта тўй шодиёнаси тараддудида. Суюкли она-Ватанимиз меҳнаткашлари Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 4 йиллигини зўр тантана билан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Партиямиз ташкилотлари, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ишлаб чиққан режага мувофиқ, жойларда, ҳокимликлар билан ҳамкорликда, оммавий-сиёсий ишларни авж олдирмоқдалар. Аҳоли турли табақалари орасида, меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида истиқлолимиз 4 йиллиги шарафига белгиланган тадбирларни ўтказиш кенг кўламларда бошлаб юборилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, аввал қабул қилинган қарор ҳамда анъанага кўра, таниқли олимлар, адиблар ва партия фаолларидан иборат тарғиботчилар гуруҳларини шакллантирди. Улар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бориб, меҳнаткашлар билан учрашадилар, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида диёримиз мустақиллиги йилларида юз берган ўзгаришлар, шу кунда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар моҳиятини, партиямизнинг сиёсий фаолияти ва дастурий мақсадларини кенг омма ўртасида тарғиб қиладилар.

Кеча мазкур гуруҳларнинг аъзолари Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида тўпландилар. Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов республикамиздаги ижтимоий-сиёсий вазият, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи вазифаларини бажаришда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ўрни ва иштироки ҳақида сўзлаб берди.

Тарғиботчилар гуруҳлари вилоятларга жўнаб кетдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов ҳозир бўлди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот маркази.

ФОРИШДА ҲОКИМ ЎЗГАРДИ

Халқ депутатлари Фориш туман кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Эркин Қозоқов аризасига биноан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Илгари республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги давлат ветеринария бош бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлаган Бўстонқул Сайитқулов Фориш тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Жиззах вилоят ҳокими А. Тошкенбоев нутқ сўзлади.

ПАХТА МАВСУМИГА ШАЙМИСИЗ?

Куз эшик қоқмоқда. Эрта-индин деҳқонларимиз пешона тери, қалб қўрини бериб парваришлаган экин — пахтани йиғиб-териб олишга киришадилар. Шу ўринда айтиб ўтайлик: кўп йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлган соҳа мутахассисларининг айтишларига қараганда, бу йил — пахта йили бўлиши керак. Боиси — чигит нисбатан эрта экилди ва бир текис ундириб олинди. Айни пайтда ғўзага бир неча агротехник ишлов берилиб, оби-тобида суғорилди. Бу йил иқлимнинг иссиқ келиши ҳам ғўза ниҳолларининг яхши ривожланиб, серҳосил бўлишига имкон яратди.

Энди гап фақат ҳосилни нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишда қолган. Бунинг учун энг аввало ўтган йилги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, янги мавсумни пухта ўтказиш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Республика Вазирлар Маҳкамаси буни ҳисобга олиб шу йил 25 июлда «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда йиғим-терим мавсумини юқори ташкилий даражада ўтказилишини таъминлаш барча вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва тегишли тармоқ идоралари зиммасига юклатилди. Хўш, шундай экан, бугунги кунда ушбу қарор ижроси жойларда қандай амалга оширилмоқда? Пахтакор мавсумга шайми? Вилоятлардан олинган қуйидаги хабарларимиз бу борадаги умумий аҳволга аниқлик киритса ажаб эмас.

АНДИЖОН

— Эрта баҳордан буён 60 гектар ердаги ҳар туп ғўзани фарзанддек ардоқладик, — дейди Бўз туманидаги «Озод» жамоа хўжалиги илғор бригада бошлиғи Алишер Маҳкамов. — Ҳозир ҳам парваришни давом эттиряпмиз. Пахта яхши очилган, теримни бошлаймиз. Шунда хирмонимизга барака қўшилади.

—Пахтакорлар кенгашида ҳосилни 25 иш кунида йиғиб-териб олиш режасини белгиладик, — бригадирнинг сўзларини қувватлади Бўз тумани агрохизмат уюшмасининг раиси Ғайрат Ғаниев. — 8 минг гектардан зиёд майдонда эртаги ҳосил яратилди. Теримда ишлатиш учун 135 та машина ҳозирланди. 107 та дала шийпонида пахтакору — механизаторларга қулай шароит яратилган. Мавсум давомида илғорларни ҳар беш кунда тақдирлаб бориш ниятидамиз. Бўзда бўлганидек бутун андижонлик пахтакорлар ғўза парваришини бўшаштирмай пахта йиғим-терими мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Пахтани қисқа муддатда йиғиб-териб олишни ташкил этиш мақсадида ҳокимлик тегишли тадбирлар белгилади. Вилоят ҳокимининг қарорига кўра, мавсум масъулиятига алоҳида эътибор қаратилди. Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш, пахтакорларга қулай шароитлар яратиш, техникаларни таъмирлаш, хуллас ҳар томонлама ҳозирлик кўриш бугуннинг долзарб ишига айланди. Теримчилар учун зарур миқдордаги этаклар, иссиқ кийим-бошлар, қишлоқлардаги кичик корхоналарда тайёрланаяпти.

Мавсумда 1200 та терим машинаси ишлатилади. 60 минг гектар ердаги ғўзаларнинг барглари сунъий тўктирилади. Агрокимё хизмати вилоят бирлашмаси бу тадбирни белгиланган муддатларда сифатли бажариш чорасини кўришда жамоа хўжаликларига яқиндан кўмак бермоқда.

Андижонликлар йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўриш билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгиланганидек, Жиззах вилоятига жўнатиш учун 50 та пахта териш машинасини тайёрлаб қўйдилар. Бироқ уни тезроқ жиззахликларга жўнатиш масаласи муаммо бўлиб турибди. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тегишли вагонлар ажратиб берса, бу ишни ўз муддатида амалга ошириш мумкин бўларди.

ЖИЗЗАХ

Вилоятда ўтган йили режа уддаланмай қолди. Хўш, бултурги натижалардан қандай хулосалар чиқарилмоқда? Бу йил вилоят пахтазорларида 3228 та терим машинаси, 405 та кўрак узиш агрегати, 288 та кўсак чувийдиган механизмлар ишлатилиши керак. Улар билан ялпи ҳосилнинг 78 фоизи, ёки 242 минг тоннасини йиғиб-териб олиш режалаштирилган.

Йиғим-терим техникаларини ҳозирлашнинг 15 августгача бўлган маълумотномасида, вилоят бўйича терим машиналарининг 69,8 фоизи, кўрак узиш агрегатларининг 67,5 фоизи ва кўсак чувиш механизмларининг 75 фоизи созлангани қайд этилган. Пахта пишиб етилай деб қолган ҳозирги пайтда бу кўрсаткичлар мутлақо мақтанарли эмас. Агар мавжуд терим машиналарини созлаш Дўстлик туманида 63 фоиз, Арнасой туманида 51 фоиз бажарилганига эътибор берилса, шу туманлар раҳбарлари бултурги хатолардан сабоқ олмаганликлари аён бўлади.

Вилоятга яқинда Фарғона вилоятидан 60 та ва Андижон вилоятидан 50 та терим машинасининг келиши кутилмоқда. 15 августгача бўлган маълумотга кўра, биронта машина ҳали Жиззахга келтирилгани йўқ. Бундан ташқари пахтакорлар 800 та янги агрегатлар олишни ҳам ният қилиб туришибди. Эҳтимол, пахтакорларни хотиржам қилиб турган сабаб ҳам шудир. Агар бу техникаларни олсангиз, нур устига аъло нур бўлади. Борди-ю ололмасангизчи? Шу ўринда вилоятга бултур ҳам, Қашқадарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларидан 300 та терим машинаси келиб ишлаганини, улар билан атиги 1200 тоннагина ҳосил терилганини эслатиш ортиқча бўлмаса керак.

Шундай экан ҳозирданоқ ички имкониятларни ишга солиш афзал эмасми?

НАВОИЙ

Ўтган йили Навоий вилоятида ҳам, вилоятнинг кенжа туманларидан бири Навбаҳорда ҳам пахта тайёрлаш ва харид қилиш режаси бажарилмай қолди. Навбаҳорликлар йиллик режани атиги 86 фоизга уддалашди, холос. Худди шундай бултурги мавсумда машинада пахта териш режаси ҳам аро йўлда қолиб кетди.

Хўш, бу йилчи? Бу мавсум пахта тайёрлаш режаси уддаланадими? Бул-таёкда» зўрға турибди. Худди шундай 5 та кўсак чувиш, 3 та юлиш агрегатлари ҳам бултур даладан қандай келтирилган бўлса шундайлигича ари ва чумчуқларга уя вазифасини ўтаяпти.

«Учтуп» жамоа хўжалигида ҳам ачинарли аҳвол. 14 та пахта териш, 6 та кўсак чувиш (2 таси янги) 5 та юлиш механизмлари таъмирталаб, иссиқда, очиқ хавода занглаб кетган. Уларнинг кўпчилигида ҳалигача резинали ғилдирак, аккумулятор, ёнилғи насоси, ҳаракатлантирувчи занжирлар йўқ. Яна бир афсусланарли томони шундаки, бу йилги пахта ҳосили пишиб етилибдики, юқоридаги хўжаликларда техникани таъмирлаш бригадалари ва звенолари ташкил этилмаган.

Бу кетишда режани уддалаб бўлармикан?

Сайхунобод, Меҳнатобод туманларида эса пахта териш машиналарининг бор-йўғи 30-40 фоизи таъмирланган. Хўш, вилоятда нега шундай аҳвол ҳукм сурмоқда? Мутахассислар ва баъзи раҳбарларнинг таъкидлашича, бунга асосий сабаб-хўжаликларнинг иқтисодий заифлиги, иккинчидан эса шу туфайли тайёр қисмларнинг олиш имкониятлари бўлмаётганлиги дейилмоқда. Бу балки тўғридир. Бироқ бу сабаб шу қадар муҳим ишни кечиктириб юборишга асос бўлармикин?

Сўзсиз вилоятда техникани мавсумга созлаш юзасидан қатор амалий чоралар кўрилмоқда. Гулистон ва Меҳнатобод туманларида вилоят семинарлари ўтказилди. Оғир шароитдан қутилиш мақсадида сафдан чиқарилган 500 дан зиёд агрегатларнинг тайёр қисмлари ишга солинмоқда. Шунингдек, техникани таъмирини тезлаштириш юзасидан бошқа чоралар ҳам кўрилаётир. Лекин ҳозирча бу ишларнинг баридан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Вилоят қишлоқ хўжалик таъминот ва таъмирлаш бирлашмаси раҳбарларининг таъкидлашларича, бугунги долзарб мавсумда ҳар куни 5-6 мингдан зиёд механизатор ва созловчилар қатнашмоғи керак. Амалда эса пахта териш агрегатларини ремонт қилишда 2700-3000 киши иштирок этмоқда. Бундай суръат билан техника ремонтини белгиланган муддатда тугатиб бўлмайди.

Туман раҳбарларининг бизга берган маълумотларига қараганда, 139 та пахта териш машинасидан 100 таси, 92 та кўсак чувиш агрегатидан 60 таси, 58 та кўрак юлиш механизимидан 50 таси сифатли тайёрланиб мавсумга тўлиқ шайлиги кўрсатилган. Амалда-чи? Амалда тамоман бунинг акси. Ҳақиқатан кўз юмиш қийин албатта. А.Навоий, Й.Охунбобоев номли, «Янгиқўрғон», «Гигант», «Наврўз» жамоа хўжаликларида йўқни йўндириб, эскисини ямаб бўлсада қишлоқ хўжалик техникалари, жумладан терим агрегатлари озмикўпми қайта таъмирланган. Бироқ, «Ижанд» жамоа хўжалигида (бошқарув раиси Ш. Фозилов, бош муҳандис Й.Азизов), «Учтуп» жамоа хўжалигида (бошқарув раиси С.Маматов, бош муҳандис И.Турсунов), «Навбаҳор» жамоа хўжалигида (бошқарув раиси Н.Эргашев, бош муҳандис Ж.Бозоров) техникалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу хўжаликлар трактор паркларида бўлган киши ўзини шубҳасиз яроқсиз техникалар «мозори» да деб билади.

Чунки мазкур трактор паркларида иш куни, иш соати бўлсада қоровулдан бошқа ҳеч кимни тополмайсиз. «Раис қаерда?», «Муҳандис ёки механик қаерда?» деб сўраб суриштирсангиз ҳам бефойда. Ахир техникалар ўлда-жўлда бўлгач улар қорасини кўрсатишадими?! Айниқса, «Ижанд» жамоа хўжалиги паркидаги манзара кишини ниҳоятда ранжитади. Парк ҳовлиси яйловнинг ўзгинаси. Ўт-ўланлар ўсиб, қўйлар бемалол ўтлаб юрибди. Ташландиқ темир-терсак, ярим-ёрти «чўлоқ» техникалар кўзни қамаштиради. Эрта-индин пахтазорга чиқиши керак бўлган 9 та пахта териш машинаси ҳам «қўлтиқ-

СИРДАРЁ

Сирдарё вилояти деҳқонлари 141 минг гектар ерда пахта ҳосили етиштирмоқдалар. Ана шу майдоннинг 100 минг гектаридаги ҳосил техника ёрдамида йиғиштириб олинади. Бошқача айтадиган бўлсак, давлатга сотиладиган 325 минг тонна пахтанинг деярли 70 фоизи техника ёрдамида йиғибтериб олинади.

Кўриниб турибдики, ҳар сафаргидек бу йил ҳам вилоятда йиғим-терим тақдири техника зиммасида бўлади. Шу пайтга қадар 2240 та пахта териш машинаси ва бошқа йиғим-терим техникаси мавсумга созлаб қўйилиши лозим эди. Шу йил 1 августга қадар бўлган маълумотга кўра, вилоят бўйича 1074 та пахта териш агрегати таъмирланган. Бу эса режанинг бор-йўғи салкам 50 фоизини ташкил этади, холос. Вилоятнинг Гулистон, Ховос,

ХОРАЗМ

Вилоят ҳокими республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 25 июлдаги қарори асосида 1995 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш, пахта териш

Қарор ва ижро

техникасидан фойдаланишнинг янги шаклларига ўтишни амалга ошириш мақсадида қарор қабул қилди. Қарорда шаҳар ва туман ҳокимликлари, пахта йиғим-теримига бевосита алоқадор бўлган барча ташкилотлар, бирлашмалар ва идоралар олдига бу ишга тайёргарликни шу йил 20 августгача тугаллаш вазифаси қўйилди. Бу вазифаларни уюшқоқлик билан амалга ошириш юзасидан вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Юсупов раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузилди. Ушбу қарорни бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унда пахта йиғим-терими билан боғлиқ бўлган бирлашмалар ва корхоналар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда терим мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда уни барча жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказишга қарата чора-тадбирлар ўз вақтида амалга оширишлари белгилаб чиқилган. Шунингдек, тегишли банклар теримчилар билан пахтани юклаш ва ташиш, жойлаштириш билан, пахта териш машиналарини таъмирлашда, техника қаров ўтказишда банд бўлган ишчи хизматчилар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб бориш учун хўжаликларни нақд пул билан бутун мавсум давомида таъминлаб боришлари зарурлиги алоҳида кўрсатилган. Бутун мавсум давомида икки қаторли пахта териш машиналарда терилган бир тонна пахта учун камида 30 сўм, тўрт қаторли машиналарда терилгани учун 20 сўм, қўлда терилган 1 кг пахта учун камида 1 сўм 20 тийин ҳақ тўлаш, йиғим-теримда қатнашганлар билан ҳар беш-ўн кунда ҳисоб-китоб қилиш хўжаликлар раҳбарлари зиммасига юклатилди.

БИЗНИНГ ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги пахтачилик бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, бу йил республикамиз пахтакорлари тўрт миллион тонна «оқ олтин» етиштиришни мўлжаллашган.

Мутахассислар ҳисоб-китоблари бўйича бу йилги ҳосил ўтган йилгига қараганда 10-15 кун эрта етилган. Демакки, мамлакатимиз жанубий вилоятларида, Бухоро, Андижон ва Наманганда пахтани 20-25 августдан бошлаб қўл терими орқали йиғиштириб олишга кириш имконияти бор.

Шу ўринда дефолиацияни ўз муддатида ва муваффақиятли ўтказиш беқиёс аҳамиятга эга. Бу ишни 25 августдан бошлаш режалаштирилаяпти. Дефолиацияни 6025 та ОВХ ер усти аппаратлари, 28 та самолёт ва 5 та вертолёт ёрдамида 20 сентябргача тугатиш кўзда тутилган. Энди гап жойларда ОВХ-14, 28 пуркагичларни техник тайёргарликдан ўтказиш, дефолиацияни авиация билан амалга ошириш лозим бўлган туманларда дефолиант сақланадиган омборлар, суюқлик тайёрланадиган чуқурлар, сув ҳовузлар, самолёт учун қўниш жойларини пухта ҳозирлашда қолган.

Бироқ юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, 1995 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарлик борасида ҳали айрим вилоятларда сусткашлик сезилиб турибди. Назаримизда об-ҳавонинг яхши келаётгани баъзи туманлар ва пахтачиликка масъул идоралар раҳбарларининг «ҳали вақт бор-ку» қабилида иш тутаётганлигидан далолат бермасмикан? Тағин эртага вақт ўтгач, «оббо» деб ўтирмайлик. Халқимизда «Ҳосилинг кам бўлса, ҳаводан кўрма» деган нақл бор. Шундай экан, бугун ишни пухта ташкил этиб, зарур чораларни кўриш лозим. Зотан, мўл-ҳосилни вақтида йиғибтериб олсак, пахтакорнинг кўпчилик оилада юзи ёруғ бўлиши, қолаверса йил бўйи тер тўкиб қилган меҳнати эвазига моддий манфаатдорлиги ошиши аниқ. Бундай шароитда мутасадди ташкилотлар, жойлардаги раҳбарлар республика Вазирлар Маҳкамасининг «1995 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини тўлиқ бажариш учун бутун куч-ғайратларини аямасликлари лозим.

Аслиддин БОЛИЕВ,
Аҳмадилло СОЛИЕВ,
Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
Музаффар ШАРОПОВ,
Абдужалил УМАРОВ,
Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллигига туҳфа

ВАТАН ҲАҚИДА КИТОБ

«Ўзбекистон» нашриёти томонидан «Ўзбекистон Республикаси» номи билан чоп этилиб келинаётган китобнинг учинчи, тўлдирилган нашри босиб чиқарилиб, кенг китобхонлар ҳукмига тақдим қилиниши қувончли воқеадир. Мажмуа иқтисод фанлари доктори, профессор Эркин Аҳмедов ва иқтисод фанлари номзоди Зуҳра Сайдаминовалар муаллифлигида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилган.



Китоб янги қизиқарли рақамлар билан тўлдирилган. Жумладан, иккинчи ва учинчи нашрлар биринчи нашридан фарқ қилиб, республиканинг транспорт ва алоқалари, Тошкент шаҳри, жаҳон диққат-эътиборини ўзига қаратган тарихий, маданий ёдгорликлар маркази бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлар ҳақида қисқа, аммо диққатга сазовор маълумотлар билан тўлдирилганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Китобнинг бош қисмида Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган куни билан боғлиқ муҳим тарихий саналар, қизиқарли маълумотлар берилган.

Ўзбекистоннинг табиий ва иқлим шароитига бағишланган қисмда республикада қатор фойдали қазилма бойликлари очилганлиги, хом ашёнинг юздан ортиқ тури борлиги, баъзи бойликлар бўйича эса ўлкамиз жаҳон миқёсида кўзга кўринарли маскан эканлиги баён этилади. Республика аҳолиси ва меҳнат ресурслари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган. Китобдан маълум бўлишича, диёримиз аҳолиси йилига ўрта ҳисобда 450-550 мингга кўпаймоқда. Ўтган йилги маълумотлар бўйича республикада 22 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Унинг 39 фоизи шаҳар, 61 фоизи қишлоқ аҳолиси. Аҳоли ҳақида гап борганда туғилиш, ўлим ва табиий кўпайиш борасида Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари яхши очиб берилган. Республика аҳолисининг миллий таркиби ва ундаги ўзгаришларга оид маълумотлар келтирилган. 1959 йилда ўтказилган аҳоли рўйхати бўйича республика аҳолиси орасида ўзбеклар 62,2 фоизни ташкил этган бўлса, 1989 йил рўйхати бўйича у 71,4 фоизга етган.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш масалалари иқтисодиётнинг бозор шароитига ўтиши муносабатлари билан чамбарчас боғланган ҳолда таҳлил қилинган. Уларнинг бандлигида катта ўзгаришлар юз бераётганлиги, иқтисодиётнинг давлат секторида банд бўлганларга нисбатан якка тартибда иш олиб борувчилар сони тез ортиб бораётганлиги яққол кўрсатилган. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг халқ хўжалиги соҳалари бўйича бандлигига оид қизиқарли маълумотлар бор. Китобнинг иқтисодий тараққиётга бағишланган қисмида республикада кўп тармоқли саноат вужудга келганлиги, йирик саноат корхоналари ривожи билан боғлиқ маълумотларни муаллифлар қисқа, мазмунли қилиб беришга интилганлар. Республиканинг етакчи тармоқлари — машинасозлик, электроэнергетика, рангли ва қора металлургия, газ, нефть, кимё саноати яхши таърифланган. Шу билан бирга республика учун анъанавий ҳисобланган енгил ва озиқ-овқат саноати тараққиёти ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган. Бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган кичик ва қўшма корхоналар ташкил топиши, уларнинг тараққиёти билан боғлиқ маълумотлар келтирилган.

Китобнинг иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ қисмида республиканинг яна бир йирик тармоғи — қишлоқ хўжалиги муносиб ўрин олган. Ўзбекистон учун хос бўлган сунъий суғориш, экин майдонлари ва улардан қандай фойдаланаётганлиги, пахта яккаҳокимлигини камайтириш борасида олиб борилаётган аграр сиёсат, фермер (деҳқончилик) хўжаликларининг ривожланиб бораётганлиги, бу борадаги баъзи камчилик, муаммолар етарли даражада ёритилган. Ғалла мустақиллигига эришиш борасида олиб борилаётган қувончли ишлар ҳақида ҳам сўз юритилган.

Китобда республиканинг ижтимоий ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берилган. Маълумки, бу соҳага маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва спорт, уй-жой хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш каби соҳалар киради. Булар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Республиканинг ташқи иқтисодий алоқаларига алоҳида ўрин ажратилган. Чунки муаллифларнинг тўғри таъкидлаганларидек, турли мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, техникавий, маданий алоқаларни ривожлантириш, улар билан дўстлик муносабатларини ўрнатиш иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишда улкан моҳият касб этиши шубҳасиз.

«Тошкент — Ўзбекистон республикасининг пойтахти» деб номланган янги бўлимда Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри бўлган Тошкентнинг тарихи, аҳолиси, унинг миллий таркиби, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, фан-маданият каби масалалар ёритилган ва умуман, бу азим шаҳарнинг республика тараққиётида тутган ўрни беқиёс эканлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Тошкент халқаро миқёсда йирик сиёсий ва молиявий марказга айланиб бораётганлиги, шаҳарда жаҳондаги турли мамлакатларнинг элчихоналари очилаётганлиги, йирик молия-банк тизимлари ташкил топаётганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

Китобдаги 15 жадвал ва охирида илова шаклида келтирилган 14 жадвал ниҳоятда бой, китобхонда катта қизиқиш уйғотади. Бу маълумотларнинг ўзи бир олам. Республикамиз ҳаётининг турли жабҳаларини ўз ичига олган ажойиб расмлар ҳам китоб мазмунини бойитган.

Бир нарсага эътиборни қаратишни истар эдик. «Ўзбекистон Республикаси» китобининг биринчи ва иккинчи нашрлари чоп этилгандан озгина вақт ўтиши биланоқ уни китоб дўконларидан топиш амри маҳол бўлиб қолди. Чет эл фуқаролари, элчихоналар ва ниҳоят, мамлакатимиз аҳолиси орасида унга бўлган катта қизиқиш, талаб эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда кейинги нашрларда унинг нусхаси кўпайтирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги.

Партия ва ҳаёт

ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Иқтисодий ислоҳотларни барқарорлаштириш йилида Ўзбекистон ХДП Касби тумани кенгаши бир қатор ижтимоий-сиёсий, ташкилий ишларни амалга оширмоқда.

Партия аъзоларининг фаолиятида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишларидан бири — аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, айниқса, ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашни янада яхшилаш, мулкчилик формаларини шакллантириш, ишлаб чиқаришнинг нодавлат сектори йўналишини, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш асосий ўрин тутмоқда. Шунингдек, Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини сиёсий жиҳатдан таъминлаш, Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга тадбиқ этишда жонбозлик кўрсатиш ҳам фаолият мезонини ташкил этяпти.

Айни кунда туманда 24 та чорвачилик фермаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Туманда етиштирилаётган гўштнинг 72 тоннаси, сутнинг 200 тоннаси 202 деҳқон-фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариляпти. Кичик ва хусусий корхоналар, шахсий ва ҳиссадорлик жамиятлари ишлаб чиқаришнинг олдинги сафларида бормоқда. Уларда 167 нафар партия аъзоси бошқаларга намуна.

Туман кенгаши ҳузурида 18 кишидан иборат мустақил республикамиз ички ва ташқи сиёсатини тарғиб ва ташвиқ қилувчилар гуруҳи ташкил этилган. Барча бошланғич партия ташкилотларида 147 кишидан иборат тарғиботчилар гуруҳи ишлаб турибди. Бошланғич партия ташкилотларида ЎзХДП Низоми талаблари бажарилиши юзасидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Партия йиғилишларини очиқ партия йиғилишлари шаклида ўтказиш тартиби кенг қанот ёймоқда. Йиғилишларнинг маҳалла ва қишлоқларда ўтказилиши партия фаолиятини кенгайтиряпти. Натижада маҳалла оқсоқоллари, ёшлар ва қишлоқ зиёлилари ўртасида хайрихоҳлар ортиб боряпти. Ҳозир туманда аъзолар сони 2142 нафарга етган.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШАНБА ОҚШОМЛАРИ

Учкўприк тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғи ҳар шанба куни одамлар билан гавжум бўлмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Учкўприк туман кенгаши туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бу ерда «Шанба оқшомлари» тадбирини ўтказяпти. Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишланган бу тадбирга мувофиқ халқ истеъдодларини излаб топиш, халқ ижодиёти намуналарини омма орасида кенг тарғиб қилиш, истиқлолимизнинг аҳамияти, моҳият ва мазмунини одамларга тушунтириш мақсадида уюштирилган.

— Тумандаги 10 та жамоа хўжалиги ҳар шанба куни ўз қўшиқчилари, лапар, рақс бадиий ўқиш усталари, аскиячи ва қизиқчилари билан келиб боғда томошабинларга кенг дастурда томоша кўрсатадилар,— дейди ЎзХДП Учкўприк туман кенгашининг биринчи котиби Баҳодиржон Ҳамроқулов.— Ҳар шанба икки хўжалик бадиий жамоалари ўзаро куч синашадилар. Омад кулиб боққан жамоа беллашувнинг кейинги босқичига чиқади. Ғолиблар мустақилликнинг тўрт йиллиги арафасида аниқланади. Жамоа хўжаликлари ,ХДП бошланғич ташкилотлари бу тадбирни ҳар томонлама сермазмун гўзал ва ёрқин ўтказиш учун катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАҲАЛЛАДА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган минтақавий семинарда маҳаллалардаги ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ишини жонлантириш долзарб вазифа экани таъкидланганди. Орадан кўп ўтмай ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши эътиборни ана шу масалага қаратди. Вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Расулжон Мухторов фаоллар ҳамда фуқаролар билан мулоқот ўтказди.

— Бугун бой таассуротлар билан қайтяпман,— деди ЎзХДП Избоскан туман кенгашининг биринчи котиби Жўрабек Мамажонов.— Ўрганган тажрибаларимиз маҳалла аҳли билан ҳамкорлик қилишда асқотишига аминман.

Мулоқот қатнашчилари жойлардаги партия қуйи бўғинлари амалга ошираётган ибратли тадбирларни ўргандилар.

Мулоқот якунида ўндан ортиқ кишига ЎзХДП аъзолик билетлари топширилди. Унда Пахтаобод тумани ҳокими О. Раҳимов қатнашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳамкорлик

«МЕРКУРИЙ» ХОРАЗМДА

Урганч шаҳрида «Меркурий» халқаро фирмасига қарашли Ўзбекистон-Россия-Германия-Беларус савдо уйининг расмий очилишига бағишланган маросим бўлди. Маросимда вилоят ҳокими М. Жуманиёзов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Шу куннинг ўзидаёқ «Меркурий»фирмасининг савдо уйи дастлабки харидорларни қабул қилди.

Шунингдек, айни вақтда савдо уйи филиаллари вилоятнинг Хонқа, Қўшкўпир, Гурлан, Шовот, Урганч туманларида ҳам ташкил этилди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Биз шундай халқмиз

Ўн йиллар бўлди-ёв. Кундалигимда сарғайиб кетган бир ёзувга кўзим тушади: «Самарқандда туғилиб, Самарқандни кўрмаган онам...» Шу сўзларни ўқисам йиғлагим келади. Кўнглимнинг бир қатини маҳзун хотиралар эзади. Ул ёққа мени чорлаётган Соғинчнинг номини билмайман. Шунда халқимизнинг оташнафас бир шоири битган икки сатр битикни такрорлайман:

> ***Мен сени ўйлайман, умрим дарахти,***
> ***Сени тутиб турган томирлар қайда?***

ЯХШИЛИК БОҒЛАРИ

Етти ойда қадим Самарқандни етти марта айланиб-айланиб кўриб ўтдим. Дилим ёришди. Кўзимга нурлар тўкилди ул маконда.

Азиз юртдошим! Агар Самарқандга йўлингиз тушган бўлса кўргандирсиз. Каттакон лавҳаларда шундай ёзувлар бор: «**АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ**» Билмадим, сизнинг кўнглингиздан ўша маҳал қандай уй-хаёллар кечган экан. Лекин менинг юрагимда...

Неча юз хил рангларга айланиб товланган соҳибқирон бобомнинг боғлари гуллаб кетди. Яшнаб кетди. Ўша боғлар қайта тирилгандай бўлди назаримда. Қайта уйғониб кетгандай.

Ҳа, боғлар уйғоняпти. Амир Темур боғлари уйғоняпти. Қолаверса, жаҳонгир бобомиз замонидан сўнг илк бор мустақилликка эришган Ўзбекистон уйғоняпти.

Самарқандда боғлар кўп. Айниқса, кейинги тўрт йил орасида уларнинг ҳисобидан адашиб кетдик. Аввало, Президентимиз мамлакатимизнинг қай бир гўшасига борса ўша жойнинг раҳбарларидан яратган боғларини сўрайди. Бу шу юртнинг ободлигидан, тўкинлигидан дарак эканлигини қайта-қайта такрорлайди.

****

...Саратоннинг қизиган кунлари эди. Нарпайга бордим. Бир ёқда элимизнинг ризқрўзи - ғалла йиғиб олинаётган бетакрор лаҳзаларни кузатдим. Бир ёқда эса бўлиқ кўсаклар боғлаётган ғўзаларни, бир ёнда эса ларзон-ларзон меваларини кўз-кўз қилаётган боғларни кўриб...

Сўраганим шу бўлди: «Бу боғларни ким яратган экана?» Одамлар эса донолик билан қисқа ва лўндагина қилиб айтди: «Халқ-да, халқ!»

Кейин билсам, бу сўзлар замирида бир олам маъно ётган экан. Шунда яна ўша ҳазин ва армонли сатрлар ёдимга тушаверди. **«Мен сени ўйлайман, умрим дарахти, Сени тутиб турган томирлар қайда?»**

Кейин ана шу Томирларни, Илдизларни изладим. Томирлар эса яна шу халқнинг орасида экан. Элчилик-да энди. Уларнинг ўзи ҳеч қачон бўй кўрсатмайди. Мақтанишмайдиям. Битта айтган гапи доим шундай мазмунда бўлади: «Эл қатори юрибмиз. Бори шу элники, Ўзбекистонни деб яшаяпмиз-да».

Келинг, яхшиси сизга ана шундай «томирлар»дан бирини таништирай: ***Абдиназар АҲМЕДОВ.*** *Нарпай туманидаги «Оқ олтин» ширкатлар уюшмасининг раиси. Содда бўлгани билан сал қайсарроқ. Бир сўзли. Ҳеч қачон соатга қараб ишламаган. Саҳар мардондан то ярим тунгача далада. Ўзбекнинг машҳур ёзувчиси Саид Аҳмад бу одамнинг пахта ҳақида гапира туриб «ғўза-қуёшнинг боласи» деган бир гапини ён дафтарига ёзиб ҳам қўйган. Дарвоқе, боғлар ҳақида сўрасангиз...*

ЎЗИНИНГ ГАПЛАРИ:

Нимасини айтасиз, эллик олти йил яшаб англаган ҳақиқатим битта бўлди. У ҳам бўлса, одамзот аввало олдинга, кейин эса ўтган умрининг ҳисобини ҳар лаҳзада англатиб тургувчи ортига бир қайрилиб қараши керак экан. Ана ўшанда энг қувончли ва энг қўрқинчли бир савол қаршисида қотиб қолар экансиз. «Шунча йил яшадинг, оғайни. Сендан элга нима қолди ўзи?»

Доим Худога шукур қиламан. Ўзим айтсам нотўғри бўлади, эл-улусдан сўранг. Ярим умримни шу хўжаликка бердим. Майли, бу орада бошдан кечган не-не машаққатлар, азоблар энди ортда қолди. Бугун кўксим тоғдай юксаляпти. Чунки юртимиз кундан-кунга обод бўлаётир. Биз эккан дарахтларнинг мевалари пишиб етиляпти. Ана шундан суюнаман-да.

Хўжаликнинг юки кўпам оғирмас. 8 мингдан кўпроқ аҳоли яшайди. 9 та деҳқон-фермер хўжалиги битта уюшмага бирлашган. Яна ҳар бирининг алоҳида ҳисоб-китоб рақами бор. Уз йўриғини ўзи юргизишади. Ҳозир аввалгидаймас, тескариси — ишлайдиган кўп, раҳбарлар кам. Абдиназар ака мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона ислоҳотларни чуқур тушуниб етган инсон. Ерларни фермер хўжаликларга бўлиб беришда бошқаларга ўхшаб ҳеч иккиланмади. Ўн йил муддатга берди. Энди бу фойдали тадбирлар ўз самарасини кўрсатяпти. Деярли ҳамма соҳада «Оқ олтин» рўйхатларнинг бошида. Шундаям раис мақтанмайди. Элдошларига айтадиган гапи битта: «Оғайнилар, юртга келган тўйни баҳам кўрамиз. Яширмаймиз,сал-пал қийинчиликлар бўляпти, лекин булар ўткинчи. Ҳаммаси изга тушиб кетади».

Дарвоқе, боғлар ҳақида сўз кетганди-я! Балки лофдир,балки тўғридир. Лекин мен Нарпайда кўрган боғлар ҳақида алоҳида таъриф айтмасам бўлмас экан.

Ёндан қарасангиз унчалик сезилмайди. Балки осмондан кузатилса «Оқ олтин»нинг сўнгсиз боғлари янада салобатлироқ кўринар. Кетаверасиз, кетаверасиз. Мевали-мевасиз дарахтзорларнинг охири кўринмайди. Кейин тутзорлар келади. Яна баланд-баланд бўйли теракзорлар «мамлакати»га кириб қоласиз. Яна йўлда давом этамиз. Шундаям Абдиназар ака гапирмайди. Саксон ёшларга етиб қолган Салим бува айтади: «Шунча йил яшадим. Бир маҳаллар бу ерлар дала-дашт эди. Сув камчил. Дарахтлар қайда дейсиз. Шу раис келгач бошланди кўп экин-тикинлар. Бунинг асаби темирданми, билмайман. Қанча асаббузар воқеалар бўлди. Лекин эл Аҳмедовга эргашди. Кам бўлмадик. Яна десангиз, мениям ҳоли-жонимга қўймади. Ярим боғни сизга,сизни эса Худога ишондик, дейди шоввоз. Ҳалиям бардамман. Балки Абдиназарнинг Яхшилик боғлари менга куч-қувват бераётгандир...»

Мени ҳайратга солган манзара: далаларни кўрдик. Буғдойзорларни кўздан кечирдик. Чорвачилик фермаларига бордик. Ҳаммасида деярли бир хил шароит. Шинамгина шийпон. Дам олиш хоналари олдида сув тўла ҳовуз. Ҳовузда эса турли балиқлар. Ҳайронлигимдан сўрадим ҳам. «Балиқларни тутиб кетишмайдими?» Бош силкишади улар. «Нималар деяпсиз, аввало одамнинг кўзи тўқ бўлсин-да. Кейин нафси тўқ бўлади. Йўқ, аксинча балиқларга ҳаммамиз меҳрибонмиз. Кўнгил тусаса, ана Нарпай канали тўла балиқ...»

Бир ширкатлар уюшмаси бўлса шунчалик бўлар-да. Боиси, улар ўз аравасини ўзлари тортишяпти. Яна денг, бир-икки йил орасида йирик қурилишларни ҳам бошлаб қўйишган. Ярми битди. Қишлоқлар тўла газлаштирилган. Ҳатто шу ернинг ўзида биронта қўшма корхона қуриш ниятлари ҳам йўқ эмас.

Хуллас, Бухоро йўлининг шундоқ ёнгинасида жойлашган «Оқ олтин» деган ширкатлар уюшмаси ўз қаддини ўзи ростлаётганига ишондим. Боғлари ҳақида эса...

Самарқанддан қайтаётганда яна ўша ёзувга кўзим тушди. **«АМИР ТЕМУР БОҒЛАРИ».** Кўнглимдан бир ўй ўтди. Қанийди Ўзбекистоннинг ҳар бир буржида нарпайлик Абдиназар Аҳмедовдай «Томирлар» биттадан боғ яратсалар, ана ўшанда соҳибқирон бобомизнинг боғлари тўлуғ бўларди.

Илло, ана шундай Яхшилик боғлари кўпайсин!

Норқобил ЖАЛИЛ.

Бизнинг суҳбат

«АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ...»

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида Ўзбекистон ёзувчиларининг бу улуғ тантанани қандай кутиб олаётганлари ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Тўра МИРЗО билан жамоат-чи мухбиримиз Барно Хўжаева суҳбатлашди.

— **Халқимиз дил-дилдан орзиқиб кутган истиқлолга эришдик. Аммо мустақиллик жарчилари — ёзувчиларнинг овози бир оз пасайиб қолгандай туюлмаяптими?**

— Ҳақиқатан ҳам, энг буюк орзусига эришган инсон анча пайтга қадар ўзини йўқотиб қўяди. «Қизил империя» тазйиқи остида бу тузумга қарши ғоялар зимдан битилган эди энг яхши асарларда.

Чўққига чиққан одам бир лаҳза муаллақ қолгандай истиқлол умиди билан яшаган адиблар бир муҳлат сукут сақлашди. Лекин орадан кўп ўтмай Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили», Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», Эркин Самандарнинг «Тангри қудуғи» романлари, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Муҳаммад Али, Азим Суюн, Ўткир Раҳмат, Тоҳир Қаҳҳор ва бошқа шоирларимизнинг истиқлолни мадҳ этувчи туркум шеърлари эълон қилинди.

—**Барибир бурунгидай кўп китоб чиқмаяпти-да...**

—Китоб нашри масаласи бу алоҳида муаммо. Айрим ноширлар ўзбекча китобларни ҳеч ким олмайди деб, важ-корсон кўрсатишади. Тўғри, баъзан ҳомийлар ҳисобидан саёзроқ китоблар чиқаётгандир. Лекин муносиблари анчагина-ку?!

Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» романи «Шарқ юлдузи» журналида нашр қилинганидан кейин бир ҳафта ўтгач, Туркияда китоб ҳолида босилиб чиққанлиги фикримизга далил бўла олади.

Китоб азал-азалдан халқимизнинг асосий эҳтиёжларидан бири бўлиб келган. Ҳозир ҳам қишлоқларга бориб, хонадонларга кирсангиз жавон тўла китобни кўрасиз.

Айрим, ўз ҳисобига китоб чиқараётган муаллифларнинг китоблари эса бадиий жиҳатдан бўш. Бу энди алоҳида мавзу.

«Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарфламаслик керак» деган эди Абдулла Қаҳҳор. Мен енгил-елпи, олди-қочдидан иборат китоблар чиқараётган ноширларга ўзбек халқининг маънавиятига болта урманг, унинг дидини ўтмаслаштирманг, демоқчиман.

— **Уюшма мустақиллигимизнинг тўрт йиллигини қандай кутиб олаяпти?**

— Ўзбекистон Республикаси Халқ Демократик партияси билан ҳамкорликда тўрт йилдан буён ҳар бир вилоятга ижодий гуруҳлар юбормоқдамиз. Август ойида шоир ва ёзувчиларимиз ҳамма вилоятларда бўлиб, мустақиллик мушоиралари ўтказишади. Бу борада Халқ демократик партияси Уюшмага яқиндан ёрдам бермоқда.

Ўзбекистоннинг энг буюк байрами — Мустақиллик куни барча қалам аҳли учун бош байрамдир.

Тадбиркорлик билан иш юритиш шу куннинг муҳим хислатига айланиб бормоқда. Буни Янгиер савдо-деҳқончилик саноати бошқармаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда молларни четдан келтиришдан кўра ўзлари ишлаб чиқаришни афзал билишади. Улар кичик корхона ва цехлар қуриш чораларини ҳам кўришмоқда. Бунинг учун муносиб шериклар топишган. Чунончи, аккумуляторлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона очиш масаласи ҳал бўлди.

Бошқарма бошлиғи Ирисмат Кулиёзовнинг айтишига қараганда, Чимкент ва Кентаус корхоналари бу ишга бош қўшган. Ҳисоб-китоб қилишларича, сарфланган маблағ бир йилдаёқ қопланади.

Бошқарма янгиерликларни кўпгина тақчил моллар билан таъминлаб турибди: юк машиналари учун автошиналар, аккумуляторлар, дизель ёнилғиси, бензин, ёғоч бисёр. Бошқарма ўз фаолият доирасини янада кенгайтириш йўлида муҳим қадамлар қўймоқда. Мақсад-ўз бозорларимизни тўлдиришгина эмас, балки хорижга ҳам чиқиш.

Суратларда: 1. (чапдан-ўнгга) техника бўлими бошлиғи ўринбосари Раиса Романова, ишчи таъминоти бўлими бошлиғи ўринбосари Лутфулло Кулиёров ва савдо-деҳқончилик саноати бошқармаси бошлиғи Ирисмат Кулиёзовларнинг нигоҳи иш режаларида. 2. Қуюлтирилган сут ишлаб чиқариш цехи ишчилари Толиб ва Анвар Жўрабоевлар.

Баҳром ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

БОШ ВАЗИРГА СУИҚАСД

МАХАЧҚАЛЪА. Доғистон Бош вазири Абдураззоқ Мирзабековга суиқасд уюштирилди.

Қуролланган номаълум жиноятчилар якшанба куни саҳарда Бош вазир истиқомат қиладиган уйни гранатомётдан ўққа тутишган. Унинг бахтига ўзи ва оила аъзоларидан ҳеч ким жабр кўрмади. Жиноятчиларнинг шахси аниқлангани йўқ.

КАРБОВАНЕЦНИНГ ҚАДРИ ТУШМОҚДА

КИЕВ. Украина карбованецининг қурби долларга нисбатан кескин тушиб кетмоқда. Киевдаги сўнгги биржа савдосида бир АҚШ долларининг қиймати 200 минг карбованецга тенг бўлди.

ПРЕЗИДЕНТ ХАЛҚҚА ҲИСОБОТ БЕРДИ

ВИЛЬНЮС. Литва Президенти Альгирдас Бразаускас президентлик муддатига 2,5 йил тўлиши муносабати билан миллий телевидение орқали республикада амалга оширилган вазифалар тўғрисида халққа ҳисобот берди.

ВАБОНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА КИРИШИЛДИ

КИШИНЕВ. Молдовада вабо касаллигининг олдини олишга жиддий киришилди.

Охирги маълумотларга қараганда, Кишинев, Тираспол, Орхей ва Слободзея шаҳарларида вабо касалига чалинган 64 нафар киши рўйхатга олинган.

Эпидемиологларнинг фикрича, касалликни Украинанинг Одесса вилоятида ишлаган Молдова фуқаролари мамлакатга олиб кирган.

ЎҚИШ БОШЛАНИШИ ДАРГУМОН

УЛАН-УДЭ. Янги ўқув йилига икки ҳафта қолганда Бурятия пойтахтидаги мактаблар бор-йўғи эллик фоизга дарсликлар билан таъминлангани маълум бўлди.

Агар пойтахтда бу муаммо зудлик билан ҳал қилинмаса, янги ўқув йилнинг бошланиши даргумон.

ЭКИПАЖ ҲАМОН ТУТҚУНДА

КОБУЛ. 3 августда Афғонистоннинг Кандахор шаҳрида мухолифатдаги «Толибон» ҳаракати аъзолари томонидан мажбуран қўндирилган Россиянинг «Аэростан» авиакомпаниясига қарашли ИЛ-76 самолёти ҳамон тутқунда турибди. «Трансавиа» ва «Аэростан» авиакомпанияси вакиллари тутқундаги самоёт ва унинг 7 кишидан иборат экипажини озод этиш борасида музокара олиб бориш учун Кобул шаҳрига келди.

АССОМ ВИЛОЯТИДА СУВ ТОШҚИНИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Ассом вилоятида юз берган сув тошқини 100 минг кишилик аҳоли жойларига зарар етказди. Беш кундан буён давом этаётган сув тошқинини натижасида мамлакат халқ хўжалигига сезиларли даражада зиён етди. Айни пайтда сув тошқинини бартараф этиш учун кенг кўламда кураш олиб борилмоқда.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди.)

"МУСТАҚИЛЛИК"
ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

"МУСТАҚИЛЛИК"
пул-буюм
лотереясини
сотиб олиб
Сиз катта
ютуқ соҳиби
бўлишингиз
мумкин.

«МУСТАҚИЛЛИК» ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ
000
000000
10

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:
33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА **ОМАД** ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МАРКАЗИЙ БАНК
ЖАМҒАРМА БАНКИ
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКСАВДО
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ

ТАШКИЛОТ

- Ўз ёғига пиширилган мол гўшти (2 турдаги консерва, Австрияда ишлаб чиқарилган),
- "МИКАДО" кўк нўхати (Бельгия),
- консерваланган тилимли ананас (Таиланд),
- 1л. ҳажмли тетрапакетдаги ананас,
- апельсинлар (Испания) САДОСИНИ БОШЛАДИ.
- 0,33л.ҳажмдаги "STRONG", "ROVAL" пивоси (Дания),
- 0,33л.ҳажмли 3 турдаги "REDSTAP" лимонадлари (Германия), Италия, Греция, Бельгия ва Германияда ишлаб чиқарилган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, қандолат, шампань виноси, арақ, ликёр, вино, коньяклар **САВДОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Омборхонада нархи туширилган ксерокс, факс, компьютер ҳамда калькуляторлар мавжуд.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1.
Алоқа учун телефонлар:
45-55-65,
45-70-65.

UZHELLAS
ЎЗБЕКИСТОН ВА ГРЕЦИЯ
ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Гугурт ишлаб чиқарадиган
"ЎЗЭЛЛАС"
Ўзбекистон — Греция қўшма корхонаси

**пул ўтказиш йўли билан
70 тийин баҳода гугурт,
300 сўмлик баҳода деворга
ёпиштирадиган турк гулдор
қоғози (обой),
шартнома баҳоларида (ҳар
килограмми учун 60-75 сўмдан)
газета қоғози ўрами (рулон)ни
СОТАДИ**

**диаметри 25 сантиметрдан кам
бўлмаган кўктеракларни ҳамда
қаттиқ нефтли парафинни
СОТИБ ОЛАДИ.**

Бизнинг манзилгоҳ:
Тошкент шаҳри,
Ҳамид Олимжон майдони
3"б" уй.

Телефонлар: 34-80-13,
34-27-55.
Факс: 34-80-13.

КОРХОНА, ИДОРА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Узбекистон ногиронлар жамияти корхона, идора, ташкилот ва фуқароларга маданий хизмат кўрсатиш мақсадида «Шаҳристон» номли вокал-чолғу дастани ташкил қилди.

Сизларни байрам кунларида, туйларда ва бошқа тадбирларингизда «Шаҳристон» дастаси ўзбек халқининг ҳамда хорижий мамлакатларнинг жозибали ашула ва мусиқаси билан хушнуд этишга тайёр.

Дастамизнинг хизматидан фойдаланганлар ногиронларнинг ҳаётига катта моддий ва руҳий ёрдам бериши билан уларнинг келажагига ўз ҳиссаларини қушиб, олижанобликни изҳор қилишган бўларди.

Сизни сабрсизлик билан кутамиз!

**Бизнинг манзил:
700084, Тошкент
шаҳри, F. Мавлонов
кўчаси («Гидромет-
центр» ёнида), 28 уй.
Телефонлар:
35-82-64, 35-73-87.**

**ЎЗБЕКИСТОН
НОГИРОНЛАР
ЖАМИЯТИ.**

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН-БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омборхонадан**

МАЗ туркумидаги автомобилларни, МТЗ экскаваторлари ва тракторларини, автомобиллар ва тракторлар учун бошланғич бутликдаги: Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М двигателларини

сотади.

**Нархлари заводникидан арзон.
Манзил: Ташкент, Ш.Руставели кўчаси,
140-уй.
Алоқа учун телефонлар: /3712/ 50-06-13, 50-94-77, 50-95-07.**

"Ўзбекмашсервис" — ҳамкорликка чорлайди!

BAT

ЎзБАТ
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Жаҳон тамакичилик саноатида катталиги жиҳатидан иккинчи компания ҳисобланган "Бритиш — Америкэн Тобакко" ("Би-Эй-Ти") компанияси гуруҳининг аъзоси — УзБАТ АЖ қўшма корхонаси бўш лавозимларни тўлдириш учун танлов эълон қилади ҳамда ишлаб турган Тошкент тамаки фабрикасига, шунингдек, яқин келажакда қурилиши бошланадиган Самарқанд сигарета фабрикасига ёши 40 дан ошмаган янги ходимларни

ишга қабул қилади.

Ўринлар:
- муҳандис-механик
- муҳандис-электрик
- муҳандис-электрончи
- техника хавфсизлиги бўйича муҳандис
- муҳандис-технолог
- ишлаб чиқариш бўйича менеджер
- ишлаб чиқариш участкасининг мастери
- маъмурий-хўжалик хизматчилари
- механиклар
- машинист-операторлар
- электриклар
- слесарлар
- техниклар

Камида талаб этиладиган малака
- олий ўқув юртларининг битирувчилари
- — // —
- — // —
- — // —
- — // —
- — // —
- — // —
- олий ўқув юртларининг тижорат,статистика, бизнес-бошқарув мутахассислиги бўйича битирувчилари
- техникумлар ва ҳунар техника билим юртларининг битирувчилари
- — // —
- — // —
- — // —
- — // —

Иш стажи номзодларни танлашга таъсир этмайди. Техника хавфсизлиги бўйича муҳандис лавозимига номзодлар бундан мустасно, улар мутахассислик бўйича камида 3 — 5 йил иш стажига эга бўлишлари лозим.

Муҳандис-техник ходимлар учун инглиз тилини билиш ва компьютерда ишлай олиш қўшимча устунлик беради.

Ҳалол ва виждонан ишлашга интилиш ва ишлаб чиқаришни жаҳон андозалари даражасига қадар модернизация этиш шароитларида ўз техникавий малакасини ошириш истаги билан ажралиб турувчи номзодлар афзал кўрилади.

Тўлдириш учун анктеани ЎзБАТ АЖ ҚК Бош идорасининг кадрлар бўлимида (манзили: Тошкент шаҳри — 700084, Ҳусниддин Асомов кўчаси, 4-уй) ва Самарқанд тамаки ферментация заводида (манзили: Самарқанд шаҳри — 703031, Рудакий кўчаси, 150-уй)дан олиш мумкин. Барча номзодлар танлов асосида дастлабки саралашдан ўтадилар ҳамда шахсан суҳбатга таклиф этиладилар.

"VATAN Trading Ltd"
Қўшма корхонаси

ўз фаолиятини бошлаганлигини ва хизматингизга мунтазир эканлигини маълум қилади.

- Биз стандарт шаклдан мураккаб профессионал тизимгача эга бўлган компьютер жиҳозларини "калити билан" топшириб, техник хизмат кўрсатишга кафолат берамиз.
- Банклар учун ечимлар мажмуи: компьютерлар тизими, мебеллар, банк жиҳозлари ҳамда маълумотларни узатиш тизими (кўп тармоқли хизматлар ва олис манзиллар билан муомала) билан шуғулланамиз, керак пайтда ёрдам кўрсатамиз.
- Телекоммуникация жиҳозлари (модемлар, пакетли адаптерлар, хабь ва рипитёрлар, хариталар, кабеллар, телефон концентраторлари ва мини АТС лар) етказиб берамиз.
- Электрон техникалар (видео, аудиоаппаратура, радиотелефонлар, шу жумладан узоқ радиусли алоқа воситалари, факслар, "Citizen", "Aurora", "Sharp" калькуляторлари, "Xerox", "Canon", "Sharp" нусха кўчириш техникасини етказиб берамиз.
- Офис учун мўлжалланган жиҳозлар, канцелярия буюмлари, офис ва уй-жойлар учун мебеллар билан таъминлаймиз.
- Экспорт ва импорт жараёнларига даҳлдор ишларни бажарамиз.

ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЮМУШЛАРИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДА
ШАРТНОМА АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

ШАРТНОМАЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ МУДДАТЛАРИ 2-4 ҲАФТАДАН ОШМАЙДИ.

**КЎРГАЗМАМИЗГА КЕЛИБ, ТУРЛИ БУЮМЛАРИМИЗ НАМУНАЛАРИ
БИЛАН ТАНИШИШГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!**



**Телефонлар: (3712) 33-07-38
33-06-87**

Илму ҳикмат ўтни ёндирар

ДУНЁ ТАНИГАН ЎЗБЕК ФИЗИГИ

Физика фанининг ривожига катта ҳисса қўшган, кўплаб монографиялар, олий ўқув юртлари ва ўрта мактаблар учун атом, ядро ва элементар зарралар физикасидан, нисбийлик назариясидан ўзбек тилида биринчи бор ўқув қўлланмаларини яратган, илмий-оммабоп рисолалар ҳамда русча-ўзбекча физикадан луғатлар муаллифи, машҳур ўзбек физиги — Раҳим БЕКЖОНОВ — физика-математика фанлари доктори, профессор. ЎзФАнинг академиги, республикамизда ядро физикасининг асосчиларидан бири. У киши — Америка Қўшма Штатлари Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳам академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номли Давлат мукофоти ва С. И. Вавилов номли нишон совриндори, Ўзбекистон ҳамда собиқ Иттифоқ маориф аълочиси ва ихтирочиси.

Раҳим Бекжонов атом ядросининг энергиявий ҳолатларини гамма нурлар ёрдамида қўзғатиб, улар хусусиятларини ўрганишда гамма чизиқларнинг допплерча силжиш ва кенгайишнинг янги услубларини таклиф этиб, ядро ҳолатлари орасидаги электромагнит ўтишлар эҳтимолликларини комплекс оригинал ускуналарда тадқиқ қилган. Дунёда биринчи бўлиб ўтиш соҳасидаги ядроларнинг тавсифларини умумийлаштирган ва бир тизимга келтирган. Кўпгина ҳозирги замон ядро тузилиши назарияларини муҳокама қилиб, янгиларини тузиб ва уларнинг ютуқларини кўрсатиб, татбиқ чегараларини аниқлаган. Ядро физикасининг замонавий муаммоларини ёритувчи биринчи монография ва маълумотномаларни яратган. Ядро физикаси соҳасида ўз ўрнига эга, жаҳонга танилган олим.

***

Тонг палласи ҳаво мусаффо, борлиқ яна ҳам кўркам бўлади. Нодира хола етмиш бешга кириб қўйган бўлса ҳам ғайрати ичига сиғмайди. У қуёш билан бирга уйғонади. Кўкрак кериб тушган шу азамат бинонинг болохонасидан табиат ҳар куни одат қилган гўзаллигини сукланиб томоша қилишни яхши кўради. Ҳовлини чўғдек яшнатиб, хушбўй ҳиди димоққа урилаётган ранго-ранг гуллар, ёш келинчак каби салом бериб тебранаётган ниҳоллар, сўриси бино билан беллашиб тонг шуъласида марварид маржонлар янглиғ товланиб турган узумлар, қаранг ҳамма-ҳаммаси қандай кўркам ва тароватли. Пастда, ҳовлидаги саф тортган гулзорлар орасида унинг яккаю ягона дилбанди нималарнидир хаёл суриб айланиб юрибди. Бугун у яна онасидан барвақт уйғонибди.

«Тонгда турганнинг омади олчи бўлади». Раҳматлик чолининг сўзларини эслайди она. Умрингдан барака топкур, Раҳимжоним ҳам отасининг ўзидай. Ғайрати ичига сиғмайди. От босган жойни той ҳам босади, деб шуни айтарканлар-да. Шу тобда онанинг кўзига туғилиб ўсган қишлоғи кўриниб кетди.

Ўша вақтларда Нодира холалар Чимкентда яшашарди. Кенжатойи Раҳимжонга кўзи ёриганда отанинг кўнгли тоғ бўлганди. Раҳимжон уч ёшга тўлмасданоқ 1935 йил қишнинг изғиринли кунларидан бирида отаси... Шундан сўнг катта бувиси ўз тарбиясига олди. Тирикчилик ташвишида тиним билмайдиган тоғалари уни ҳам тинчитмас эди. Раҳимжон эсини таниб эндигина мактаб остонасига қадам қўйганида уруш бошланиб кетди. Начора, юртга келган аза тоғаларининг ҳам бошига тушди. Энди ҳаёт қалбан биттаю-битта шу зурриятим омон бўлсин, деб дуолар қиларди она.

Раҳимжон яхши ўқир, ювош ва доим хаёл суриб юрадиган бу ўсмир мактаб программасини осон ўзлаштирарди. Дарсларда секин гапириб, саволларга тўла жавоб берар эди. Бу эса ўқитувчиларга ёқарди. Дарсларда Р. Бекжонов берган аниқ ва чуқур жавоблар ишга юзаки қарайдиган ўқитувчиларнинг онгига бориб етмайди. Лекин улар ювош боланинг миясида пишиб етилаётган ўйларни билмайдилар. У атрофини қуршаган табиат ва жамиятдан ўз кўнглига мос келадиган уйғунликни топишга уринар эди. Мактаб дарсликлари, ўқитувчилари унинг кўплаб саволларига жавоб беролмас, оммабоп китоблар у вақтларда бўлмасди. Бир куни унинг қулига ўзбек тилида Дрожжиннинг «Ақлли машиналар» номли китоби тушиб қолди. Китобни тинмасдан кеча-кундуз ўқиган Раҳим бундан физика ва бошқарилиши мумкин бўлган машиналар ҳақида кўп маълумотлар олди, бу асар ўқувчида кучли таассурот қолдирди.

Раҳимжоннинг математика ва физикага қизиқиши жуда эрта уйғонган эди. Ойнинг ўн беши ёруғ, деганларидек, у қоронғи кунлар ортда қолиб кетди энди.

Кейин Тошкентга ўқишга отланди, дорилфунунда беш йил таҳсил кўрди. Университетни тугатиб яхши физик бўлиб етишди. Етар энди ўқишинг, дейишларига қарамай Москвага, собиқ СССР Фанлар академияси физика институтининг аспирантурасига кетди. Ўшанда 1953 йил эди.

Машҳур ака-ука физик — олимлар А. И. Алихонов ва А. И. Алихонянлар билимга ўта қизиққан, ишчан, ғайратли йигитни имтиҳон қилиб уни аспирантурага олишга қарор қилишади ва илмий раҳбарликка рози бўлишади. Орадан кўп ўтмай у устозлари ишончини оқлаб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Ҳар қандай фан соҳасини ўрганишда қизиқ бир қонуният мавжуд: тадқиқот ишлари кенгайган сайин номаълумлик доираси торайиш ўрнига аксинча кенгая боради. Чунки, илм, фан булоғи сира туганмас хазинадир.

Аллома эллигинчи йилларда Иттифоқ физика институтида машҳур Совет олимлари Алихонов ва Алихонянлар билан ишлаб юрган пайтларида магнит спектрометрининг ёруғлик кучини ҳисоблаш формуласини илк бор таклиф этди ва юқори энергияли элементлар зарраларнинг моддалар билан ноэластик тўқнашиш кўндаланг кесимини аниқлашда тажрибалар ўтказишнинг оптимал шартлари ва статистик хатоларини ҳисоблаш йўлини кўрсатиб берди. Бу мақола юқори энергиялар — космик нурлар соҳасида ишлар ўтказувчи физиклар қўлида катта аҳамиятга молик бўлди.

Олим кўпгина тажрибалар асосида илк бор оптикавий моделдан фойдаланиб, пион-нуклон ва нуклон-нуклон ўзаро таъсир кесимини назарий жиҳатдан ҳисоблади.

Ўзбекистонда ҳеч ким қўл урмаган жуда мураккаб соҳа — қуйи энергиялар ядро физикаси бўйича атом реактори асосида юқори савияда ўтказилган дастлабки мунтазам тадқиқот ишларини Р. Б. Бекжонов бошлаб берди.

Олим нейтронлар хусусиятини ўрганишда катта кашфиётлар очди. У ва унинг шогирдлари иштирокида яратилган нейтрон селектори асбоби Шарқда биринчи бўлиб атом реакторининг нейтронларни энергиявий тақсимотини ва иссиқлик нейтронларининг модда билан тўқнашиш кўндаланг кесимларини ўрганиш имкониятини туғдирди. Натижада турли радиоактив изотопларни олиш осонлашди. Изотопларнинг ҳаётдаги аҳамияти ва халқ хўжалигида тутган ўрни ҳақида газетхон яхши билса керак. Ҳозирги шароитда гугурт қутисидек радиоприёмниклар ёки жуда аниқлик билан ишлайдиган аппаратлар яратишда юқори сифатли ва энг соф моддалар керак. Уларни олишда ҳамда активацион анализ мақсадларида ҳам нейтронлар оқимидан фойдаланилади.

Р. Бекжонов томонидан бета ва конверсия электронларнинг спектрлари ҳам илк бор ўрганила бошланди. Бунда лабораторияда яратилган, дунёда энергия жиҳатидан ажратиш қобилияти энг катта бўлган оптикавий юқори прецизион бета-спектерометрдан фойдаланилди. Кейинчалик бу лабораторияда атом ядроларининг уйғонган ҳолатларининг хоссалари турли услублар ёрдамида комплекс равишда тадқиқ этила бошланди. Улар республикамизда ядро спектрометрияси бўйича ўтказиладиган тармоқланган тадқиқотлар асосини ташкил этадилар. Мазкур лабораторияда у ташкил топган кундан бошлабоқ, дунёнинг қатор йирик илмий марказлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошлаб юборилди.

1963 йилдан бошлаб Р. Бекжонов дунёда биринчилар қаторида нейтронларнинг радиацион қамралишидан ҳосил бўлган гамма-квантларнинг ядроларда резонанс сочилишини тажрибада ўрганишга киришди. Шуни таъкидлаш лозимки, резонанс сочилиш услининг мазкур хили классик туридан фарқ қилади. Бу ерда тепкига сарфланган энергия ҳиссаси сунъий тўлдирилмай, баъзи бир гамма-нурлар энергияси нишон-сочгич ядросининг сатҳларидан бирининг энергиясига тасодифан мос келиши кутилади. Мазкур мос келишнинг тасодифийлигига қарамай, резонанс эффекти етарли даражада катта бўлиб, уни ўлчашнинг иложи борлигини олим кўрсатиб берди.

Бир воқеа: Халқаро ядрофизикавий анжуманлардан бирида (Харьков ш.) Раҳим Бекжонов маърузада сўзга чиққан академик Г. Н. Флеров: «Мен бу ишни тушунишга ожизлик қиламан. Ҳеч қачон А — ядронинг парчаланишидан чиққан гамма — нурлар В — ядронинг сатҳларини қўзғотиши мумкин эмас» — деган эди. Анжуманнинг раиси машҳур физик Б. С. Желепов: «Ўйлаб кўриш керак. Тушунарсиз томони кўп» — деб академик фикрини тасдиқлади. Лекин фаннинг сўнгги ривожи маърузада келтирилган далиллар тўғри эканлигини, А — ядро гамма — нурлар энергиясини В — ядро сатҳларидан бирининг энергиясига тасодифан мос келиб қолиш эҳтимоллиги ноль эмаслиги ва бу ҳодисани (эффектни) тажрибада кузатиш мумкинлигини тасдиқлади.

Профессор Л. К. Пекернинг — «Раҳим Бекжонович, сиз битмас-туганмас кон топибсиз. Сизни чин қалбдан табриклайман», — деган доно фикри тўғри чиқди. Кейинчалик бу иш Институт обрўсини кўтарган илмий ишлардан бирига айланиб қолди.

Р. Бекжонов берк қобиқли ядролар соҳасида ушбу эффект кучайишини аниқлади ва жуда кўп ядро сатҳларида резонанс эффектини кузатди, улардан кўпчилигини биринчи бўлиб ўлчади. Бундай тажрибалар юқори энергияли ядро ҳолатларининг табиатини ўрганишда жуда муҳим бўлди. Раҳим Бекжонов ўзининг кўп йиллик изланишлари туфайли муваффақият билан 1966 йилда ёқлаган «Ядролардаги электромагнит ўтишлар тадқиқи» мавзуидаги докторлик диссертацияси фан учун бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Олимнинг кашфиётларини СССР Фанлар академиясининг академиклари А. И. Алихонян, А. Б. Мигдаль, Г. Н. Флеровлар юксак баҳолашди.

Фан соҳасида ва юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги катта хизматлари туфайли аллома аввал Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, сўнг академиги қилиб сайланди. Эллик ёшида эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби деган унвонга сазовор бўлди.

Раҳим Бекжоновнинг илмий асарлари ҳақида гапирар эканмиз, «Ўзбекистонда ядро физикаси тарихи» китобини алоҳида таъкидлаш лозим. У ўз мазмунига кўра икки хил таҳлилга эга. Биринчидан, у Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институтида ва бутун республикамизда ядро спектроскопияси соҳаси бўйича ўтказилаётган тадқиқотларнинг узлуксиз ривожланишининг тарихий шарҳидир. Иккинчи томондан, у муаллиф ва унинг ходимлари ҳамда Ўзбекистондаги бошқа олимларнинг тажрибавий ва назарий илмий ишлари натижалари келтирилган, кенг умумлаштирилган ва хулосалар чиқарилган муҳим илмий асардир. Унда ядро физикаси ва, айниқса, ядро спектроскопияси соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланишида, шунингдек, ҳар хил мақсадларни бажаришга қаратилган турли илмий услубларнинг қўлланиши ва ривожланишида Ўзбекистон олимларининг роли кўрсатиб ўтилган.

Р. Бекжоновнинг илк бор ўзбек тилида ёзилган Олий ўқув юртлари ва мактаблар учун дарсликлари, оммабоп рисолалари — иккинчи йўналишдаги китобларидир. Олимнинг учинчи йўналишдаги фаолияти атамашунослик луғатлари ва физика фанига оид янги русча-ўзбекча атамаларни тузиш билан боғланган.

Раҳим Бекжонов 200 дан ортиқ илмий ишлар, 40 та монография, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар ҳамда илмий-оммабоп китоблар муаллифидир.

Қайси бир йирик олим ҳақида сўз бормасин, унинг шогирдларга муносабатига алоҳида тўхташ жоиз. Устозининг шогирдпарварлик фазилатлари илмий семинарлар, консультациялар устоз хонадонига кўчар, у ерда устознинг меҳрибон умр йўлдоши, ҳам олима, ҳам кўркам уй бекаси Мамлакатхон опа тузатган файзли дастурхон устида давом этар, баҳс янада самимий тус оларди. Бундай вақтларда Раҳим Бекжонович шогирдларга илмий йўл-йўриқ кўрсатишдан ташқари, уларнинг оилавий турмуши, ота-оналари ҳамда фарзандларининг соғлиғи, ишлари билан қизиқади. У киши ҳар бир шогирд қалбида илмга чинакам иштиёқ уйғотишга моҳир, айни вақтда талабчан мураббий ҳамдир.

Албатта, ҳозирги замон физикаси тасвирлаётган дунё кўринишини тугалланган, — деб бўлмайди. Физиканинг бутун ривожланиш тарихи табиат хоссаларининг битмас-туганмаслигидан, янги, янада муҳимроқ қонуниятларнинг очилиши тўхтамаслигидан дарак беради. Шунинг учун, ҳатто ядро физикаси каби ривожланган билим соҳасида ҳам келажак ажойиботларини инкор қилиб бўлмайди, аксинча, уларнинг кашф этилиши жуда ўринлидир, — дейди у.

Сиз табиат манзарасини тоғ чўққисидан кузатганмисиз? Уни бир шоир шундай тасвирлайди:

Чўққига чиқ, атрофга қара,
Юрт ҳуснига майли, бўл шайдо
Шу она ер, тоғу тош, дара
Измингдадир шу яшил дунё.

Инсон ақл-идроки ва тафаккури маҳсули бўлган фандаги чўққилар ҳам шундай. Бир донишманд «Фанда кенг, текис йўл йўқ, фақат чарчашдан қўрқмай, чағир тошли йўллардан тирмашиб чиқаётган кишигина унинг нурли чўққиларига ета олади» деган экан. Бугун фанда кенг танилган ва эл томонидан эъзозланган академигимиз Раҳим Бекжоновнинг илмий фаолияти ҳақида ўйлаганда ҳам мураккаб дунё сир-асрорларини очиш йўлидаги ғоят сермашаққат меҳнат, изланиш, жасорат, туғма ақл-идрок, умумбашарий кашфиётлар ва олим забт этган нурли чўққилар, шу чўққилар орқали яна ҳам гўзал ва кўркамлашган нурли олам бизга яқинроқ бўлиб кўз олдимизда жилваланади.

Раҳмат ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент Давлат Техника университети Назарий механика кафедрасининг мудири, профессор,
Саъдулла ҲАКИМ.

Ёз ўтиб, мактаб ўқувчиларининг уч ойлик таътили ҳам поёнига етмоқда. Шу боисдан ҳам болалар учун хизмат қилувчи савдо шахобчалари кундан-кун гавжумлашиб бораяпти.

Сиз суратда кўриб турган манзаралар пойтахтимиздаги «Болалар дунёси» магазинидан олинган. Бу жой ўз фарзандларини етаклаган ота-оналар билан гавжум. (Юқоридаги кўриниш). Харидорлар ҳарқалай ўзимизда ишлаб чиқарилган кийимларни танлашяпти. Чунки ялтир-юлтур хорижникидай бежирим бўлмаса-да, «ўзимизники» — чидамлироқ. Бугун бунга кўпчилик амин бўлаяпти.

Пастдаги суратларда эса харидидан мамнун болажонлар. 4-синф ўқувчиси Адҳамжонга дадаси янги ўқув йилига янги портфел совға қилди. Эндигина биринчи синфга борадиган қизалоқ Муножот онаси Маҳфуза Орипова ва сотувчи Муҳаррам Зокировалар кўмагида кийим танлаяпти.

Суратларни Р. АЛЬБЕКОВ олган.

Шифокор огоҳлантиради

СИРЛИ КАСАЛЛИК

Глаукома одамлар орасида кўп тарқалган оғир кўз хасталиги ҳисобланади. Уни халқ орасида «кўк сув» ёки «назла» деб ҳам аташади. Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида ҳанузгача аниқ фикр йўқ. Глаукома ёши ўтган шахсларнинг қисмати бўлганлигидан беморлар кўз хиралашувини ёшга яраша ўзгариш деб тушунадилар. Бир кўз деярли ёки батамом кўрмай қолиб даво натижа бермайдиган ҳоллардагина шифокорга мурожаат этадилар. Глаукомада кўздаги асосий ўзгаришлар кўз ички босимининг меъёридан ошиб кетиши туфайли юз беради. Бунда кўрув майдони торая бошлайди, кечқурун кўриш камаяди. Кўзда оғриқ пайдо бўлиши, кўз олдининг вақти-вақти билан қоронғулашуви, бошнинг тегишли ярмида оғриқ пайдо бўлиши мумкин. Бемор ёруғлик манбаига, ялтироқ нарсага қараса, атрофида рангдор-камалаксимон доирачалар кўринади. Бундай ҳол одатда жисмоний чарчашдан ёки ақлий толиқишдан, кофе, аччиқ чой, алкоголь ичимликларни истеъмол қилишдан сўнг кузатилади. Қовоқлар шишади, кўз қизаради, шох хиралашади, қорачиқ кенгайиб кетади. Кўз тошдек қаттиқ бўлиб қолади. Бундай ҳолатда бемор вақт ўтказмай шифокорга мурожаат қилиши керак.

Поликлиника шароитида беморга тезда кўз ичи босимини пасайтирадиган дори-дармонлар тавсия этилади. Сўнгра шифохонага юборилади. Глаукоманинг аломатлари сезиларсиз ва кўпинча аввал бир кўзда кузатилиши сабабли беморлар аҳволларига бефарқ бўладилар. Айниқса, унинг очиқ бурчакли формаси оғриқсиз бошланиб кўз қизармайди, умумий аҳвол ҳам ўзгармайди. Бемор касалликнинг бошланганини сезмайди ҳам. Аммо кўз ички босимининг кўтарилиши муносабати билан кўрув нерви ва кўзнинг тўр пардаси борган сари эзилиб, уларда қон айланиши, озиқланиши бузилади. Натижада кўз тобора хира тортиб, охири кўр бўлиб қолади. Шунинг учун, глаукоманинг бу хили хавфли ҳисобланади. Чунки бемор кўзининг хиралашганини ёки кўрлигини тўсатдан, иккинчи соғ кўзини беркитганда сезиб қолади. Шу боис шифокорга мурожаат қилган қирқ ёшдан катта ҳар бир беморнинг кўз босимини ўлчаш керак. Аҳоли эса глаукомага қарши профилактик кўрикдан ўтказилиши лозим. Текширувлар пайтида беморларнинг кўз ички босими ошганлиги аниқланса, уни поликлиникада махсус глаукоматоз хонасида текширилади ёки кўз шифохоналарига ётқизилади. Глаукома ташхиси қўйилган беморлар диспансер ҳисобига олиниб, доимий кўз шифокори назоратида бўлади.

Глаукома пайдо бўлишининг олдини олса бўладими?

Ҳозирги ҳаётимизда асаб аъзолари чарчаган, халқимиз тили билан айтганда сиқилган ҳолатларда глаукомага мойиллик бўлади. Шунинг учун иш билан дам олишни тўғри йўлга қўйиш, об-ҳавонинг кескин ўзгариши пайтларида айниқса бошни эҳтиёт қилиш лозим. Тинч уйқу, тўғри дам олиш мия фаолиятини тиклаб олишга ёрдам беради. Пишиқчилик вақтида эса витаминларга бой ҳўл меваларни, сабзавотларни кўп истеъмол қилиш керак.

Д. АБДУНАЗАРОВ,
шифокор.

Спорт

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН МУСОБАҚАЛАР

Яқинда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясида матбуот конференцияси ўтказилди. Йиғилишда касаба уюшмалари йўли билан ташкил этилаётган спорт мусобақаларига тайёргарлик хусусида гап борди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси мамлакатимизда меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш ҳамда маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш йўлида саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Юртимизда «Соғлом авлод учун» бошланган ўзига хос курашга муносиб ҳисса қўшиш, буюк давлат келажаги бўлмиш ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадида спартакиадалар уюштирилмоқда. Хусусан, бугун Сурхондарёнинг Узун тумани марказида қишлоқ хотин-қизлари республика спартакиадаси байроғи кўтарилади. Спортнинг беш тури бўйича ўтказиладиган мусобақада 250 дан зиёд хотин-қизнинг иштирок этиши кутилмоқда. 8 сентябрда эса республика меҳнаткашларининг «Саломатлик» деб номланган ҳудудий тармоқ спартакиадаси бошланади. Бу ўзига хос якуний мусобақадир. Кучлиларни саралаш баҳсларида эса 2 мингдан ортиқ жисмоний тарбия жамоаларининг 550 мингдан кўпроқ вакилларини иштирок этгани оммавийликдан нишонадир. «Саломатлик» спартакиадасининг тантанали очилиш маросими «Нефтяник» уйингоҳида 10 сентябрь куни ташкил этилади. Спартакиада мусобақалари Фарғонанинг энг йирик спорт базаларида ўтказилади. Касаба уюшмалари спортчилари ўртасида Истиқлол байрамига бағишлаб ўтказилаётган бу мусобақалар юртимизда жисмоний тарбия ва спорт ҳаракатини ривожлантиришга хизмат қилади, дея таъкидланди матбуот конференциясида.

Холида ИНОҒОМОВА.

"JUR BEK"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида *"Жўрабек"* хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг *"Стерлинг Хелс"* фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи *"Панадол"* дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда.

ҲУРМАТЛИ МИЖОЗЛАР!

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат *"Жўрабек"* хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
"Бешёғоч" майдони, Олмазор кўчаси, 165-уй.
Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

САВОЛ: Ўстириш таъқиқланган, яъни гиёҳванд экинларни катта майдонларда экканларга нисбатан қандай жазолар бор?

К. АБДУҚАҲҲОРОВ,
Ургут тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 270-моддаси «В» бандига мувофиқ таркибида гиёҳванд ёки психотроп моддалар бўлган экинларни ноқонуний тарзда катта майдонда ўстирганлар беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этилиб, мол-мулки мусодара қилинади.

***

САВОЛ: Никоҳни қайд қилмай турмуш қуриб бир ўғил кўргандик. Лекин эрим бироз ўтиб бошқа аёл билан яшаб кетди. Алимент ололмаяпман. Ўғлимнинг отасини ҳам исботлай олмаяпман. Нима қилай?

З. ИБРОҲИМОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси.

ЖАВОБ: Никоҳ қайд қилинмаса-да, сиз у билан биргаликда яшагансиз. Умумий хўжалик юритгансиз. Ўша манзилдаги қўшнилар гувоҳлиги, маҳалла қўмитаси ходимларининг кўрсатмаси, уй-рўзғор қилганлигингиз ва маҳалладан сиз билан бирга ўғлингиз яшашлиги ҳақидаги маълумотномаларни олиб туман халқ судига оталикни белгилаш ва ундан алимент ундириш ҳақида даъво аризаси топширинг. Гражданлик процессуал кодексининг 275 моддаси, Никоҳ ва оила кодексининг 67-69-моддаларида оталикни аниқлаш тартиби белгиланган.

Забиҳилло
МУҲАММАДЖОНОВ,
ҳуқуқшунос.

КУЛГУДАН ОЛАМ ЯШАРГАЙ

— Қўлингиз менинг чўнтагимда нима қилиб юрибди?

— Гугурт қидиряпти.

— Сўрасангиз бўлмайдими?

— Уялдим-да...

***

— Судланувчи, сиз нега сўнгги сўздан воз кечаяпсиз?

— Гапиришдан нима фойда, жаноб судья? Мен айтишим керак бўлган ҳамма гапни адвокатим, айтишим керак бўлмаганларини прокурор гапирди.

***

Судья:

— Сиз куппа-кундуз куни ўғирлик қилибсиз-а?

Судланувчи:

— Ҳа, жаноб судья, мен кечалари кўчага чиқишдан қўрқаман...

***

Имтиҳон олаётган профессор талабага деди:

— Бу учинчи савол, ҳануз чурқ этмадингиз...

— Ўйлаб олиш учун озгина вақт беринг.

— Марҳамат! Сизга келгуси сессиягача вақт берсам етадими?

***

— Сиз нега машинангизнинг бир томонини яшил рангга, бошқа томонини қизилга бўядингиз?

— Худо сақласин, бордию, бирор одамни уриб юборсам, гувоҳлар кўргазмаси тўғри келмасин деб.

***

— Гувоҳ, сиз бу одамлар ўғри эканлигини қачон пайқаб қолдингиз?

— Аввалига мен уларни кўчириш бюросидан деб ўйладим. Улар чаққон-чаққон ҳаракат қилганларидан сўнг сезиб қолдим.

***

Физика муаллими:

— Нега биз чақмоқни олдин кўрамизу, момақалдироғини кейин эшитамиз?— деб сўради ўқувчидан.

— Чунки кўзларимиз қулоқларимиздан олдинда жойлашган.

«Саодат» журнали ижодий жамоаси масъул котиб Муталлиб Содиқовга момоси **ХОЛБИБИ** аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11;
Бухорода -- 3-54-87;
Гулистонда -- 2-26-22;
Жиззахда -- 3-31-86;
Навоийда -- 3-75-43;
Наманганда --6-43-43;
Нукусда -- 7-58-83;
Самарқандда -- 35-22-90;
Тошкентда-- 33-54-55;
Урганчда -- 6-51-35;
Фарғонада -- 26-37-16;
Қаршида -- 3-25-79;
Қўқонда -- 5-26-24.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0334.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи С. САЛИМОВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.